



Тошкент Оқшомми

2010 йил 6 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

XXI аср садоси

Барча манбалардан Олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (11.626)

Баҳоси эркин нарҳда

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 5 апрель куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мунни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон минтақавий ривожланишининг кўплаб долзарб йўналишлари бўйича БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

— Сизнинг минтақамиз давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга ташрифингизни муҳим аҳамиятга молик воқеа ва БМТнинг Марказий Осиёга катта эътиборидан далolat, деб биламиз. Бу ташриф барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, изчил ривожланиш, сув-энергетика, минерал-хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда минтақамиз халқларини ташвишга солаётган бошқа кўплаб масалаларни муҳофиза қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Президентимиз.

— Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги умумий масалаларни ҳал этиш доирасида Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликда ишлашдан мамнунман. Орол денгизини қўриб, бу фалокатнинг бутун минтақа экотизимига etkazган салбий таъсири кўламини нечоғли катта эканига ишонч ҳосил қилдим. Мураккаб экологик шароитда яшаётган одамлар билан

учрашдим. Қарийб бутун минтақа аҳолиси бошидан кечирётган офатни тасаввур қилишнинг ўзи огир. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги раислигини юксак баҳолайман. Бу, шубҳасиз, тинчлик, барқарорликни таъминлаш ҳамда минтақавий ва халқаро ривожланишга доир кўплаб долзарб масалаларни ҳал этишда гоят муҳим аҳамиятга эга, — деб қайд этди БМТ раҳбари.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги доирасида ҳозирги хавфхатар ва таҳдидларнинг олдини олиш, экологик муаммоларни бар-тарafd этиш, Орол денгизи халокати оқибатларини энгиллаштириш масалалари, шунингдек, замонавий халқаро муносабатларнинг бошқа кўплаб йўналишлари долзарб вази-фалар сифатида белгиланган. Мамлакатимиз қўшни Афғонистон-даги вазиятни барқарорлаштириш бўйича муҳим ташаббусларни ил-гарги сурди ва БМТнинг Афғонис-тонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш бўйича турли дастурларини амалга оширишда самарали ёрдам кўрса-ти бекмоқда.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилаётган Ўзбекистон Рес-

публикасининг ташаббуси билан БМТ Бош ассамблеяси ўтган йил-нинг декабрь ойида БМТ ва ШХТ-нинг ҳамкорлиги тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Бундай нуфузли халқаро ташкилотларнинг улкан тажриба ва салоҳиятини са-марали тарзда бирлаштириш халқ-аро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда янги истиқболлар очи-лишига хизмат қилади.

Оқсаройдаги учрашувда Пан Ги Мун самимий қабул учун давлати-миз раҳбарига миннатдорлик бил-дириб, БМТ Ўзбекистон Республи-каси билан ҳамкорлигини янада му-стаҳкамлашдан манфаатдор экани-ни алоҳида таъкидлади. БМТ Бош котиби давлатимиз раҳбарининг минтақавий ва халқаро ривожла-нишининг долзарб масалаларини ҳал этиш борасидаги изчил ва самара-ли ёндашувига юксак баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси Прези-денти Ислон Каримов ва БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг учрашуви якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Шанхай Ҳамкор-лик Ташкилоти Котибиятлари ўрта-сида ҳамкорлик тўғрисидаги қўша-ма декларация имзоланди.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Момоларимиздан мерос бўлган каштачилик халқ амалий хунармандчилигининг бетакрор йўналишлари сирасига киради ва бугунги кунда янада сайқал топиб, ривожланиб бормоқда.

2010 йили — Баркамол авлод йили

ИҚТИДОР СОҲИБИ

Буни бири-биридан жози-бали, миллий кадрларимизни ва шарқона урф-одат-ларимизни ўзида акс эттира-ётган каштачилик буюмлари, аждоқларга муносиб ворис бўлишга интилаётган моҳир каштачилар мисолида қўри-шимиз мумкин.

Ёш уста Нигора Пўлатова-нинг маҳорат билан тиккан каштачилик буюмларини

қўриб, бунга ишонч ҳосил қиласиз. У саккиз ёшлигидан хунарга меҳр қўйди. Аввали-га зардўзлик, каштачилик хунарини онаси ҳамда устоз-ларидан ўрганди. Кейинчалик эса миллий хунармандчилик-нинг ёғоч ўймакорлиги, мато-га гул босиш сингари йўна-лишлари сир-асорларини ўзлаштирди.

(Давоми 2-бетда).

Янги лойиҳалар

МУТАХАССИСЛИК — СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ

Ушбу шиор остида 7-8 апрель кунлари Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида мактаб битирувчилари учун мутахассисликлар кўргазмаси ўтказилади.

Мазкур тадбир шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташаббуси билан Халқ таълими бош бошқармаси ва Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Икки кун давомида тўққизинчи синф ўқувчилари кўргазмали намойишлар орқали пойтахтимиздаги барча ўрта махсус таълим муассасалари томонидан тақлиф этиладиган мутахассисликлар билан яқиндан танишиш, тенгқурлари билан мулоқотта киришиб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ёшларга яратилган шарт-шароитлардан бохабар бўлиш ва албатта бўлажак касбини ҳам танлаб олиш имкониятига эга бўлади.

Касбга йўналтирувчи бундай кенг қўламли тадбир биринчи марта уюштирилмоқда ва ташкилотчиларнинг фикрига қараганда, ҳар бир мактаб битирувчиси учун ўз хоҳиши ва қизиқиши бўйича касб танлашида энг қулай имконият бўлиб қолади.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 4-5 апрель кунлари мамлакатимизда бўлди.

БМТ Бош котиби дастлаб Нукус шаҳрида Оролбўйи-даги экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оши-рилган ишларга бағишланган тақдирот маросимида иштирок этди.

Президент Ислон Каримов раҳнамолигида минтақа-да экологик вазиятни барқарорлаштириш, халокат оқибатларини энгиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бермоқда. Табиий му-ҳитни ҳимоя қилишга, биохилма-хилликни тиклашга йўналтирилган кенг қўламли чоралар қўрилмоқда.

Тақдирот маросимида минтақадаги экологик вазият ҳақида батафсил маълумот берилди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Ўзбекистон Республи-каси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Орол-бўйидаги экологик вазият билан танишди.

— Минтақадаги экологик вазиятни кўздан кечириб, аҳвол ўта мураккаб эканига амин бўлдим, — деди Пан Ги Мун. — Бу бутун инсониятни оғохликка чорлайди. Бу глобал муаммони минтақадаги барча давлатлар ҳам-

жихатликда ҳал этиши лозим.

БМТ Бош котиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқа-лари изчил ривожланиб бораётгани, ташкилотнинг ЮНИ-СЕФ, ЮНЕСКО сингари қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини яна-да оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишиши учун зарур шарт-шароит яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бо-расида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Пан Ги Мун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия уни-верситети фаолияти ва ўқув жараёни билан танишди. Ушбу таълим даргоҳидаги ўқув тизимига, талабалар учун яратилган шароит ва қўлайликларга юксак баҳо берди.

(ЎЗА)

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида 5 апрель куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшама декларация имзоланди.

Ҳужжатни имзолаш маросимидан сўнг БМТ Бош котиби Пан Ги Мун оммавий ахборот воситалари вакил-лари учун қисқача баёнот берди. Қуй-ида ана шу баёнот матни эълон қилинмоқда:

Жаноби Олийлари, Ишончм комилки, ҳозирги замон-да ўз-ўзидан ечиладиган ёки БМТга аъзо бўлиб давлатнинг ёлғиз ўзи ҳал эта оладиган бирон-бир масала йўқ. Бунда терроризм, наркотиклар но-қонуний айланиши каби таҳдидлар-ни, шунингдек, иқлим ўзгариши, та-биий офатларни бартараф этиш учун коллектив ёндашув талаб этилади, бу айниқса минтақавий даражада муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли мен Бирлашган Мил-латлар Ташкилотининг минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигини му-стаҳкамлаш борасида иш олиб бор-моқдаман.

Бу БМТнинг асосий принциплари сирасига ҳам киради. БМТ Низомида барча қўш-наларда инкўрозларни бартараф этиш, улар-ни бошқариш ва ҳал қилиш учун мин-тақавий ташкилотлар билан БМТ ҳам-корлигида иш олиб борадиган шаро-ит яратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда биз узоқ йиллар-дан буюн амал қилиб келинган ушбу ёндашувни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қўлмоқдамиз ва бу XXI асрда ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

БМТ ва ШХТ Котибиятлари ўрта-сида ҳамкорлик тўғрисидаги декла-рация Бош ассамблеянинг "Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилоти ва Шан-хай Ҳамкорлик Ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги резолюция-сига асосан имзоланди. БМТнинг қатор бўлинмалари, хусусан, Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва иж-тимоий комиссия (ЭСКАТО), Нарко-тиklar ва жиноятчилик бўйича бош-қармаси, шунингдек, табиийки, Мар-казий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ШХТ би-лан ҳамкорликда ишлаб келмоқда.

Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши уму-мий манфаатни ифода этадиган со-ҳалар, жумладан, низолаштирил ол-дини олиш ва бартараф қилиш, терро-ризмга қарши курашиш, оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, атроф-муҳит емирилиши муаммоларини ҳал этиш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Биз, БМТ Котибиятида, ШХТ би-лан мулоқотни давом эттириш ва ҳам-корлигимизни янада мустаҳкамлаш ниятидамыз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Сергели тиббиёт касб-хунар коллежида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида «Эко-сан» халқаро жамғармаси ҳамкор-лигида Баркамол авлод йили му-носабати билан уюштирилган дав-ра суҳбати «Ёшлар ва экология» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисо-диёт университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Барка-мол авлод — халқнинг интеллекту-ал бойлиги» мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференция Бар-камол авлод йилига бағишланди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманида-ги Фирдавсий номидаги ма-ҳаллада яшариш ва янгила-ниш аёлми — Наврўзи олам-га бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ШАҲРИМИЗДАГИ** 22-Меҳрибонлик уйида бир қанча ҳомийлар иш-тирокида хайрия тадби-ри ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Молдованиннг ҳукмрон либерал-де-мократик коалицияси мамлакат Консти-туциясининг 78-моддасини қайта қўриб чиқиш бўйича қонунчилик ташаббусини имзолади. Мамлакат Демократик парти-яси етакчиси, парламент спикери, вақ-тинча президент вазифасини бажарув-чи Мариан Лулунинг таъкидлашича, Мол-довада мамлакат президентини парла-ментда сайлаш тартибидан воз кечишга ва умумхалқ сайлови йўли билан сай-лаш тартибини жорий этишга қарор қилинган.

• Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида бир нечта кўпорувчилик ҳаракати содир этил-ди. Портловчи қурилмаларнинг Эрон, Миср ва Германия мамлакатларининг эл-чихоналари яқинида ҳаракатга келтири-лиши натижасида 40 га яқин одам ҳалок бўлган, қарийб 200 киши турли даража-даги тан жароҳатларини олган. Ҳозирча ушбу ҳунрезликни ким томонидан амал-га оширилганлиги маълум эмас.

• Мексика шимолида Рихтер шкаласи бўйича 7,2 балли кучли zilзила рўй бер-ди. Ер қимирлаши натижасида вайрона-лар тагида қолиб кетган 2 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 га яқин киши эса тан жа-роҳатлари олди. Ушбу ер силқинишининг таъсири АҚШнинг Калифорния ва Аризо-на штатларида ҳам сезилган.

Ушбу сектор истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлмоқда. Амалий ва профессионал хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик юқори суръатда ривожланимоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат томонидан берилаётган имтиёзлар, преференция ва кредитлар шаклидаги ёрдам натижасида хусусий мулкчиликка асосланган ичхон корхоналари сони кўпаймоқда.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришни молиялашда мамлакатимиз тижорат банклари фаол иштирок этмоқда. Ичхон қадар қисқа муддатда кредит ресурсларини тақдим этиш тартибининг соддалаштирилгани, жозибатор фоизли ставкалар бўйича кам миқдорда қарз бериш ва бошқа қатор афзалликлар кичик бизнеснинг иқтисодий тиричилигидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг микрокредитлар, микроқарзлар ва микролизинг каби истиқболли шакллари жорий этилди. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ўзининг худудий тармоқлари орқали қишлоқ жойларда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, инновация лойиҳаларини молиялаш, янги корхоналар ва иш ўринларини ташкил этиш учун бошлангич маблағни шакллантиришга кўмаклашмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши миллий иқтисодий тиричилигимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши 2009 йилда 50 фоиздан ошган хусусий сектор янги иш ўринлари яратиш, бандлик масалаларини ҳал этиш, аҳоли даромади ва фаровонлигининг ошишида муҳим ўрин тутмоқда.

МИКРОКРЕДИТЛАР — ХУСУСИЙ ТАРМОҚ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия секторини ривожлантириш агентлигининг маълумотларига кўра, 2009 йилда банклар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2008 йилдагига қараганда 120 миллиард сўм кўп микрокредит ажратди. Бу қарз олувчиларнинг фаолигини оширади, уларнинг ўз салоҳиятини намойиш этиши учун янги имкониятлар яратди.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш баробарида Ўзбекистон микромолия ташкилотларининг салоҳи-

яти ҳам ортмоқда. Мамлакатимизда қулай ҳуқуқий муҳит яратилган, «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунлар амалда қўлланилмоқда, 2007 йили Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача Микромолиялашни ривожлантириш дастури қабул қилинган.

Натижада ўтган йили кредит уюшмаларининг активлари ва жами капиталлари қарийб икки баравар ошди. 2009 йилда кредит уюшмаларининг аъзолари бўлган жисмоний шахслар сони бир ярим баравар кўпайгани ҳам мамлака-

тимида микромолиялаш сектори жадал ўсаётганидан далolat беради.

Ҳозир мамлакатимизда 103 та кредит уюшмаси, 32 та микрокредит ташкилоти, 48 та гаровхона фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кредит ташкилотлари томонидан биргина 2009 йилда ажратилган микрокредитлар миқдори 193 миллиард сўмдан ошди.

Ўзбекистон банклари хусусий секторга маблағ ажратиш билан бирга Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Германиянинг KfW банки каби халқаро молия институтларининг кичик бизнесни микромолиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кредит линияларига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Молия секторини ривожлантириш агентлигининг маълумотларига қараганда, жорий йилда микромолиялашни янада ривожлантириш билан боғлиқ яна учта лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Германиянинг техник ҳамкорлик бўйича жамияти ва Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда рўйбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон микромолиялаш сектори салоҳиятининг юксалиши кичик ва микробизнес фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ишбилармонлик фаолигини оширишда муҳим омил бўлади.

В.РУДАКОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Иқтисодий

БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда барча талабларга жавоб берадиган замонавий ўқув даргоҳлари — мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари қад ростламоқда.

Бу борада, албатта, билим юрларини жиҳозлашга муҳим ҳисса қўшаётган меҳнатчиларнинг изланишлари алоҳида таъкидлаш ўринли. «Дил Вахт» масъулияти чекланган жамияти ҳам мана шундай корхоналар сирасидан бўлиб, ўтган йилда корхонада 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Уларнинг деярли ярми янги қурилган касб-ҳунар коллежлари учун етказиб берилган турли ўқув жиҳозларидир. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларнинг буюртмалари ҳам адо этилмоқда, аҳоли учун харидорғир мебель турлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда меҳнатчилар 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда хорижий дастгоҳ ва ускуналар қувватини ишга солишмоқда. Жорий йилда корхонада ошхона, меҳмонхона, юмшоқ меьбеллар тўпламларининг янги турлари ишлаб чиқарилишига саъй-ҳаракат бошлаб юборилди. Замонавий дизайнга қулай ва мустаҳкам болалар меьбеллари ҳам тайёрланиб, савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб берилди.

Ҳозирда жамоа аҳли Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида бунёд этилаётган касб-ҳунар коллежи учун керакли жиҳозларни ишлаб чиқармоқда. Яқин келажақда ишчи ўринларини кўпайтириш, хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда қўшма корхона ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Аҳоли дастурхонини тайёр ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бугунги харидор дид ҳамда эҳтибидан келиб чиқиб изланаётган тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта.

Уларнинг изланишлари ва бозорни тинмай ўрганишлари самара бераётгани дўконларимиз пештахталаридаги сифатли ва чиройли қадоқланган маҳсулотларда аксини топмоқда. Фаолият бошлаганига икки йил бўлган «Anand Toy» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган ана шундай товарлар бугунги кунда аҳоли эҳтиёжини қондиришмоқда, айниқса уй бекаларимиз вақтини тежашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда 20 нафар малакали мутахассис меҳнат қилаётган корхонамизда Россия ва Украинанинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда етти турдаги кисель, икки хил унли қорималар ва қуруқ сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди корхона директори Расул Мусахонов. — Ўтган йилда 160 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб бердик. Энг муҳими бизнинг маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотларимиз импорт ўрнини босиши баробарида, четдан келтириладиган худди шундай товарлардан бирмунча арзонлиги билан афзалдир.

Корхона маҳсулотлари пойтахтимиздаги кўплаб супермаркетлар орқали харидорларга етказиб берилади ҳамда республикамиз вилоятларидан ҳам буюртмалар бажарилмоқда. Жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 463 миллион сўмга етказиш мақсад қилинган. Бунинг учун янада бозорбоп ва харидорғир маҳсулот турлари кўпайтирилади. Кофели ичимлик ишлаб чиқариш ҳам асосий режалар сирасига қиради. Мақзур маҳсулот чиройли ва бежирим қутиларга қадоқланади.

ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ҚАДОҚЛАНМОҚДА

Кундалик турмушимизда ишлатиладиган ош тузининг ўзига хос аҳамияти борки, бунинг ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз.

Бугунги кунда ўзимизда ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган йодланган ош тузларининг инсон саломатлигини таъминлашда ўзига хос ўрни бор. Шу боис ҳам ишлаб чиқарувчилар ош тузининг йодланган даражасига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

«Улуғ Оятулло» масъулияти чекланган жамиятида қарийб икки йилдан буён Қорақалпоғистондан келтирилган хом ашёни қайта ишлаш натижасида сифатли ош тузи тайёрланмоқда.

— Асосий мақсадимиз истеъмолчиларга сифатли ва бугунги кун талаблари даражасидаги йодланган ош тузини замонавий технологияларни қўллаган ҳолда етказиб беришдир, — дейди жамият директори Улуғбек Йўлдошев. — Бунга эришиш учун имкониятлардан самарали фойдаланяёмиз. Маҳсулотимиз намлигини камайтириш йўлида ҳам изланмоқдамиз. Фаолият бошлаган фирма дўконимиз харидорлар хизматида.

Корхонада айни пайтда биринчи ва иккинчи навли ош тузлари истеъмолчилар эҳтиёжига яраша қадоқланмоқда. Бу борада жамиятнинг етти нафар малакали ишчиси меҳнат қилмоқда. Буюртмаларга кўра жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш белгиланган бўлиб, ёшларни ишга жалб этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Долзарб мавзу

ЁШЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Жамиятимиз тараққиётининг ҳар бир соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида энг аввало инсон манфаатлари, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади турибди. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида кейинги йилларда бир қатор фармон ва дастурлар қабул қилинди.

2008 йилда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун бундай жинсий фаолиятнинг олдини олиш, аниқлаш, баргараф этиш, оқибатларини камайтириш сингари одам савдосига қарши курашишнинг асосий принципларини ўз ичига қамраб олган.

Инсон табиатининг энг онгли вакили ҳисобланади. У ўз ақл-идроки туфайли ҳалол ва соғлом турмуш кечиришга қодирлиги билан бошқалардан ажралай туради. Хато қилишдан, камчиликларга йўл қўйишдан ҳеч ким кафолатланмаган, бироқ шундай жиноятлар борки, уларни шунчаки адашиш дейиш ноҳожиздир.

Бугун бутун дунё миқёсида глобал муаммо деб юритилаётган, барчани бирдек ташвишга солаётган одам савдоси билан боғлиқ жиноятни кўнгилсиз ҳодиса, тасодиф, аччиқ қисмат деб бўлмайди. Балки молу давлат орттириш илминда қалби сўқир, иймон-этиқоддан холи, худбин кимсаларнинг ўз манфаати йўлида содир этган жинояти деб тушуниш керак.

«Хусусий фирма» никоби остида одам савдоси билан шуғулланганликда айбланиб, 133-модда билан жазо муддатини ўтаётган маҳкумнинг (исм-шарифини кўрсатмаслигимизни сўради) қуйидаги сўзлари шундай фикр юритишимизга асос бўлди.

«— Биноидек фирма очиб, араб мамлакатлари маҳсулотлари билан тижорат ишینی бошлагандим, — дейди собиқ тадбиркор. — Бир кун олдимга ўрта ёшлардаги аёл келиб, эрининг ичкиликка берилгани, 4 нафар фарзандининг нонига ҳам пул тополмаётганини айтиб, катта қизини ишга жойлаб қўйишимни ялиниб сўради. Мен қизини ишга олдим. Қўлоғи чаққон, кўҳлиққина қиз экан, тезда бизнинг иш жараёнимизга мослашиб кетди. Кейинроқ уйига ҳам бормайдиган, кўпроқ биз билан бирга қолиб кетадиган бўлди. Мен ҳам унга ишониб қолдим, ош-овқати бирга, ҳатто савдо ишларимга ҳам аралашиб, гўё қизимдай бўлиб кетганди.

Ҳаммаси юкларни кўтаришга ёрдам берасан, ҳам томоша қилиб келасан, деб қизни ўзим билан Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига олиб кетган кунимдан бошланди. У эрига таниш-билишлар бизни яхши кутиб олишди, гап орасида Шаҳлони ёқтириб қолгани, хохласак катта савдо дўконига қайта қўлиши мумкинлигини, иш ҳақига катта миқдорда маош тўлашларини айтишди. Агар қиз хохласа, янага сафар келганимда олиб кетишим мумкинлигини айтганида, ўйлаб ҳам ўтирмай рози бўлибман. Улар хурсанд бўлиб, йўл харажатларини тўлаб, ортинча товар билан ҳам таъминлашди, кейинги келишимда яна шунақа иш излаб юрган қизлардан бўлса, олиб келишимни таяинлашди. Ўша кундан бошлаб ақлу хушимни осонгина топиш мумкин бўлган пул, яъни «кўк»лар эгаллаб, ҳаракатга тушиб қолдим ва бир-икки ойда 4-5 та қизларни кўндириб, олиб кетдим.

У ерга боргач, Шаҳлонинг бошига тушган қора кунларни эшитиб аввалгига ачиндим, кейин эса вақт ўтиб ҳаммаси жойига тушиб кетишини айтиб тинчлантирдим. Мени катта пул ўз йўригига бошлаб, шайтони лаъин туб-

сиз жарлик сари судраётганини англамай, инсонийлик фазилатларини моддий бойликка алмаштираётган эдим.

Шундай қилиб, 5-6 марта қатнаганимдан сўнг бу мен учун одатий ҳол бўлиб қолди. Ҳар борганимда илтижо қилиб йиғлаган қизларга қўлоқ ҳам солмайдиган бўлдим. Кейинроқ эса бормай қўйдим, фақат қиз-жувонларни кузатиб қўйиш билан чекландим. Уларнинг кейинги тақдирини мени асло қизиқтирмасди. Орадан бир йилча ўтиб, Шаҳло ва яна уч қиз Бирлашган Араб Амирлигидаги Ўзбекистон элчихонаси орқали юртимизга қайтибди, аммо қизлардан иккитаси касалликка чалинишган экан. Уларнинг аҳоли оғирлиги, бунга эса менинг айбдор эканлигим ички ишлар ходимлари томонидан ҳибсга олинган куним маълум бўлди.

Тергов, суд жараёнлари тугаб, ҳукм ўқиладиган кун Шаҳлонинг 18 ёшида оламдан ўтганини эшитдим. Унинг ўлими ҳақидаги гап бошимга гурзи билан ургандек бўлди. Суд залидаги қизларнинг ота-оналаридан эшитган таъналарим, «илоҳим фарзандларингдан қайтсин» дея қарғишлари, қилган ишим қанчалар қабоҳат, инсонлигини англапти, ўз-ўзимдан нафратландим. Икки нафар фарзандимнинг «бизнинг сиздек онамиз йўқ» деган сўзларидан бошим ҳам бўлиб қолди.

Мана белгиланган жазо муддатини ўтамоқдаман, ҳали фарзандларимни кўрмадим, улар бирон марта келиб ҳолимдан хабар олишгани йўқ.

Эртаю кеч «энди оилам, маҳалла-кўй, ён-атрофдагилар кўзига қандай қарайман» деган савол ич-этимни ейди. Бу ҳақда ўйласам, виждоним, вужудим оғрийд, қилган жиноятимдан хулоса чиқарарканман, ўзимни ким деб аташга ҳайронман: мен аёлманми, онаманми, инсонманми? Бунга менинг маънавий ҳуқуқим қолдими?..

Дарҳақиқат, жазони ўташ муассасалари маҳкумларни энг аввало жиноятга жазо муқаррар эканлиги, йўл қўйган хатолари учун чин кўнгилдан пушаймонлик туйғусини ҳис этишлари, жамиятга салбий иллат ва қусурлардан мосуво бўлиб қайтишга тайёрлайди. Энг аввало, улар инсонийлик виждони олдида қайта тарбияланаркан, ўзларига тегишли сабоқ чиқаришса бўлган.

Шу ерда бир ҳақли савол туғилади. Наҳотки одам савдоси қурбонлари бўлган бу қизлар ўз тақдирларига шунчалар бефарқ бўлишса? Балки, бу мудиш жиноятнинг содир бўлишида, ёт элларда тутқинликда бўлган инсонларнинг ўзлари ҳам баб-баравар айбдордир? Қолаверса, уларнинг ота-оналари, яқинлари қаёққа қараган? Уларнинг ўзларига ҳам «кўкидан» бошқа нарса кўринмай қолганми?

Бундай ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун ота-она, маҳалла, таълим муассасалари, жамоатчилик ва ҳар бир фуқаро бирдек масъул эканлигини унутмаслигимиз лозим. Келажагимиз эгалари бўлган ёшлар тарбияси ва тақдирини бир сония безътибор бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Улуғбек СОБИРОВ,
Юнусобод тумани 7-давлат нотариал идораси нотариуси



Осмонўпар бинолар шаҳримиз кўркидир

ИҚТИДОР СОҲИБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳар бир буюмин яратишдан аввал унинг дизайни устидан тинмай меҳнат қиламан, — дейди Нигора Пўлатова. — Кўплаб кўрик-танловларда ўз ишларим билан иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаялман. Каштачиликнинг қадимий нусхаларини тиклаш устида ҳам ишлаялман. Мақсадим миллий хунармандчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш, мустақил юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама камолоти йўлида қилинаётган гамхўрликка, ишончга лойиқ бўлиш ва келгусида илхосларимни ўз шахсий кўрғазмамдан баҳраманд этишдир.

Нигора айни пайтда ўз назарий билимларини бойитиб, уларни амалиётда қўллашни ният қилган ҳолда Республика расомчилик коллежида таҳсил

олмоқда. У иқтидорли қизлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг пойтахт босқичида голибликни қўлга киритган. Ёш бўлишига қарамай, ҳозирда унинг ёнида ёрдамчилари — тўрт нафар шогирди бўлиб, улар устозларидан хунармандчиликнинг мукамал ўрганишмоқда. Нигора устозларидан олган сабоқларини уларга ўргатади, янги-янги нусхалар яратди.

Каштачи чеварнинг орзуниятлари бисёр. Келгусида у ўз бизнесини ташкил этиб, касаначилик асосида иш ўринлари яратишни кўзда тутмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: Нигора Пўлатова ўз хунаридан мамнун.
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Фестиваллар

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Ҳамза туманидаги 282-мактабда ноанъанавий усулда биология, рус тили, компьютер сабоқлари бўйича фестиваль бўлиб ўтди.

Ўқитувчиларга кенг шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан энг иқтидорлиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган ушбу фестивалда Зебо Нарзиева биология, Ольга Анасова рус тили, Алина Эрлик компьютер сабоқлари бўйича «Устоз ва шогирд», «Мен билимдонман» мавзусида педагогик фаолиятларидаги инновацион ишлари, актёрлиги, психологик вазиятдан чиқиб йўллари, ноанъанавий усуллар билан дарс ишланмаларини намойён

этиб, ўз билим ва маҳоратларини кўрсатишди. — Баркамол авлод йилида мактабларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани биз, педагогларга катта масъулият юқлатади, — дейди биология фани ўқитувчиси Зебо Нарзиева. — Ҳар бир дарс, семинар ноанъанавий усулда ташкил этилиши болалар билимини оширишда муҳим омилдир. Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари, биология,

рус тили, экология фанлари ойкилари бунга мисолдир. Биология дарсининг мақсади янги педагогик технологиялар усулида ўқувчиларга чуқур билим бериш, табиатни севишга ўргатишдан иборат. Фестивалда шoirлар ҳаётига бағишлаб буклетлар, қушлар ҳақида роликлар тайёрланди ва дарс ишланмалари юқори савияда ўтказилди. Ўйлайманки, ноанъанавий усулда ўтказилган дарслар ўқувчиларда катта таассурот қолдиради.

Гулноза
ГУЛОМОВА

Жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлган юртимизнинг қадимий ва бой тарихи мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти учун мустақкам маънавий замин бўлиб хизмат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Маълумки, Соҳибқирон Амир Темури хукмронлиги йилларида кучли марказлашган давлатнинг мавжудлиги ички ва ташқи савдо, ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва хунармандчиликнинг кенг кўламда ривожланишига имкон яратди.

Мамлакатдаги иқтисодий юксалиш ўз навбатида илм-фан ва маданий ҳаётнинг тез суръатлар билан ўсишига олиб келди. Аждодларимиздан қолган ушбу давр илмий, маданий-маънавий мероси бугунги кунда бутун дунё аҳлининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Айни чоғда мазкур давр тарихи, қолаверса, аждодларимизнинг илм-фан ҳамда маданий-маънавий соҳада эришган ютуқлари бугунги баркамол авлодни илмга чанқоқ ва маънавий жиҳатдан етук инсон сифатида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи Давлат музейида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темури таваллудининг 674 йиллигига бағишланган "Темурийлар даври ренессанси" мавзuida очилаётган янги кўргазма "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ёш авлодни Амир Темури шахси ва Темурийлар даври ренессанси билан янада яқиндан таништириш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлардан биридир.


Экспозициялардан ўрин олган осори-атиқалар Амир Темури ва Темурийлар даврининг ҳарбий соҳа, пул муомаласи тизимини, айниқса илм-фан, санъат ва миллий хунармандчилик соҳасидаги муваффақиятларини ўзида акс эттирди. Бу ўринда биз Темурийлар даври ренессансининг муҳим

бир йўналиши — мусиқа санъати ривожини хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Аввало таъкидлаш жоизки, Темурийлар даври мусиқа санъати ривожини илм назариётчиларининг ижоди алоҳида ажралаб туради. Улар мусиқа илмига бағишланган асарлари билан мазкур соҳа-

лар кейинги давр мусиқашунослари Нажмиддин Кавкабий (XVI аср) ва Дарвеш Али Чангий (XVII аср) ижодига ҳам катта таъсир ўтказди.

Самарқанддаги мусиқа санъати ривожини Амир Темуридан сўнг унинг сеvimли набираси Мирзо Улугбек даврида ҳам давом этди. Дарвеш Али Чан-



лар томонидан Алишер Навоий тақлифи билан ёки миннат-

Удий, Дарвиш Али Чангий, Абдуллоҳ Марворид, Мазҳари Удий, Шохқули Фижжакий, Сайид Муҳаммад Фижжакий, Амир Мастий Қобузий каби созанда-лар, Ҳофиз Басир, Ҳофиз Ҳасан Али, Муҳибали Балабоний кабилар маҳоратли созанда ва кўшиқчилар сифатида кўп бора тилга олинган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Темурийлар даврида чанг, рубоб, танбур, най, карнай, ноғора ва доира энг кўп тарқалган чолгу асбоблари бўлган. Бу даврда ушбу санъат соҳаси тараққий этиш билан бирга мусиқа асбоблари ҳам такомиллашиб борди. Хусусан, уд мусиқа асбоби дастлаб 4 торли бўлса, Темурийлар даврига келиб унинг 10-12 торли турлари юзга келди.

Албатта, бугунги кунда Шарқ мусиқа санъати тарихида муҳим бўлган Темурийлар даври бир қатор мутахассис олимлар тарафидан ёзма манбалар асосида чуқур тадқиқ этилмоқда. Бу борадаги изланишлар ўзбек муомтоз мусиқасининг тарихий индизларини ўрганиш ва келгуси авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўктам СУЛТОНОВ,
Темурийлар тарихи
Давлат музейи
илмий ходими

9 апрель — Амир Темури таваллуд топган кун

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МУСИҚА САНЪАТИ

ни назарий жиҳатдан янада бойитган. Хусусан, Абдулқодир Мароғий Амир Темури хомийлигида ижод қилиб, машҳур ҳофиз, созанда ва йирик мусиқашунос бўлиб етишди. Абдулқодир Мароғийнинг юксак маҳорати тўғрисидаги маълумотлар ўша давр муаллифлари Шарафиддин Али Яъдий, Ибн Арабшоҳ, Давлатшоҳ Самарқандий ва испаниялик элчи Руи Гонзалес де Клавихо кундаликларида ҳам учрайди. Темурийлар даври мусиқа санъати тадқиқотчиларидан З.Ориповнинг ёзишича, Абдулқодир Мароғийнинг "Мусиқа тўлаими" асарида мусиқашунослик, мусиқа амалиёти масалалари, мусиқа асбоблари ҳамда 12 мақом ва 24 шуъба, 6 овоз тизими ўрганилиб чиқилган. Абдулқодир Мароғийнинг мусиқий рисо-

дорчилик тарзида Навоийга бағишлаб ёзилган мусиқий асарлар ҳам талайгина. Жумладан, Абдурахмон Жомийнинг "Рисолаи мусиқий", Зайнулобидин Ҳусайнийнинг "Мусиқанинг илмий ва амалий қонуни", Камолиддин Биноийнинг "Мусиқа ҳақида рисола", Абу Алишохнинг "Висолнинг асли", Мир Муртознинг "Мусиқа рисоласи", Хожа Шохобиддин Абдуллоҳ Марвариднинг "Рисолаи мусиқий", Юсуф Андижоний Бадиийнинг "Муншаоти мусиқий" асарлари ана шулар жумласидандир.

Уша даврнинг машҳур созанда-лари ва кўшиқчилари ҳам Темурийлар даври мусиқа санъати ривожига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшганлар. Уша давр манбаларида чолгу асбобларининг моҳир ижрочилари Шайх Нойи, Қулмуҳаммад

дирчилик тарзида Навоийга бағишлаб ёзилган мусиқий асарлар ҳам талайгина. Жумладан, Абдурахмон Жомийнинг "Рисолаи мусиқий", Зайнулобидин Ҳусайнийнинг "Мусиқанинг илмий ва амалий қонуни", Камолиддин Биноийнинг "Мусиқа ҳақида рисола", Абу Алишохнинг "Висолнинг асли", Мир Муртознинг "Мусиқа рисоласи", Хожа Шохобиддин Абдуллоҳ Марвариднинг "Рисолаи мусиқий", Юсуф Андижоний Бадиийнинг "Муншаоти мусиқий" асарлари ана шулар жумласидандир.

Уша даврнинг машҳур созанда-лари ва кўшиқчилари ҳам Темурийлар даври мусиқа санъати ривожига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшганлар. Уша давр манбаларида чолгу асбобларининг моҳир ижрочилари Шайх Нойи, Қулмуҳаммад

Наврўз шукӯҳи

КЎНГИЛЛАР ШОД БЎЛДИ

Юртимизда маданий ва маънавий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун равишда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда айниқса маҳаллалар покизалик, орасталик, меҳроқибат, хайру саховат тизимига айланиб бораётганини айтиш мумкин.



Боқий байрамимиз — Наврўзи олам кунларида бу янада яққол сезилмоқда. Қарийб бир ойдан буюн давом этаётган тантана кунларида хонадонлар, кўчалар, маҳаллалар обод қилиниб, кўплаб дарахт ва гуллар экилмоқда. Хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва муруват кўрсатилиб, табаррук қариялар, ота-оналар эъзозланаётди.

Кўни кеча Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласида бўлиб ўтган байрам ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Кўни-кўшниллар бир-бирларига эзгу ниятлар билдиришди. Хурсандчилик ва ўйин-кулги узок давом этди.

Ушбу маҳалла қирқ йиллар илгари ташкил этилган. Маҳалла кенгайиб ри-

вожланиб бормоқда. Кўчалар асфальтланди, боғ-роғлар вужудга келтирилди. Кўплаб маийший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўконлар, кичик корхоналар, новвойхоналар очилди. Маҳалла гузаридо доимий равишда тўй-тантаналар ўтказилмоқда. Айни пайтда «Янгиобод» пойтахтимиздаги энг фаол маҳаллалар сафига қиради.

— Мана ўн йилдирки, шу маҳалла фуқаролар йиғинини бошқариб келаман, — дейди Хурсанали Тожиахмедов. — Бу йилги Наврўз байрамига

ҳам алоҳида тайёргарлик кўрдик. Ариқ-зовурлар тозаланди, кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экилди. 780 оила ва қарийб 2700 киши истиқомат қилаётган

маҳалламизда кейинги йилларда анчагина ўзгаришлар юз берди. Фаолларимиздан Ҳамид Азизов, Раҳим Тошмуҳаммадов, Наби Турсунов ва бошқаларнинг тинмай меҳнат қилганликлари туфайли сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Бу галги Наврўз муносабати билан мўтабар қарияларимиз, отахону онахонларнинг хурмати жойига қўйилди. Жисмоний имконияти чекланганлар ва беморлардан хабар олинди. Ушбу хонадонларга дошқозонларда пиширилган сумалак ва

ўзбекнинг шоҳ таоми — палов тарқатилди. Ўттиздан ортиқ кам таъминланган оилалар, кексалар ва уруш қатнашчиларига совға-саломлар улашилди.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида тантанана чорланган маҳалла аҳли байрам шукӯҳидан баҳраманд бўлди. Хуллас, меҳроқибат, эзгулик тимсоли бўлмиш Наврўз қалбларни қувончга тўлдирди, маҳалладошларни улугвор ишларга руҳлантирди.

Шоҳайдар МИРҲАБИВОВ
СУРАТЛАРДА: маҳалладаги Наврўз шодиёналаридан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

НАВРЎЗ ТОМОШАЛАРИ

Темирийўлчилар маданият саройида ўндан ортиқ бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган концерт дастурлари нафақат темирийўлчиларда, айни вақтда кўплаб томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Миллий байрамимиз — Наврўзи оламини мадҳ этувчи янги дастур ҳам ёш санъаткорлар ижодий камолотини намойиш қилди. Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султонова раҳбарлик қилаётган «Рақс» ансамбли аъзолари томонидан саҳналаштирилган «Баҳор завқи» композицияси дастурга ўзгача жозиба бахш этди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Яққасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

- комиссия номига ариза;
- паспорт нусхаси;
- шахсий варақа (сўровнома);
- меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
- нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
- охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсиянома.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2010 йил 26 мартдаги қарорига асосан Мирзо Улугбек туман 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Дилфуза Сабировна Расулованинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 2 ойга тўхтатилди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси қошидаги Малака комиссияси қарорига асосан Яққасарой туман 1-сон давлат нотариал идора нотариуси Нурия Хамидовна Шахназаровага 1997 йил 15 июлда берилган серия TN 000066 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Гўдакнинг дастлабки билим ва кўникмалари, илк маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида мактабгача таълим муассасаларининг муҳим ўрни бор. Таълимнинг ушбу бўғини педагоглардан бола тарбиясига алоҳида масъулият, билим ва маҳорат билан ёндашувни талаб этади.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик томонидан ўтказилган мактабгача таълим муассасаларида маърифий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинарда ушбу жиҳатларга асосий эътибор қаратилди. Унда мактабгача таълим тизими раҳбарлари, педагоглар ва услубчилар иштирок этди.

Юртимизда ёш авлодни юксак маънавият, теран ва соғлом тафаккур соҳиби, баркамол шахс этиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилган. Бу йўналишда давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар маърифий тизимнинг дастлабки ва муҳим бўғини — мактабгача таълимда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги 6200 га яқин мактабгача таълим даргоҳида 508 минг нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда. Тарбия масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур техник жиҳозлар, ўқув-услубий воситалар билан таъминлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Болаларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камолга етишида яқиндан кўмаклашиш, уларда ватанпарварлик, фидойилик, мустақкам ирода каби фазилатларни шакллантиришда мактабгача таълим масканлари тарбияланувчилари учун жорий этилган «Учинчи минг йиллик боласи» ўқув-маърифий дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда мактабгача таълим масканларида маърифий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, педагогларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этишга оид маърузалар тингланди. Мактабгача таълим масканларида тўпланган илгор иш тажрибалари таҳлил этилди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

Санъат

БИРЛАШМА СТИПЕНДИЯСИ

Баркамол авлод йили муносабати билан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан тайёрланган тадбирлар режаси изчил амалга оширилмоқда.



«Ёш истеъодларга — кенг йўл» деб номланган дастур доирасида мусиқа таълими муассасаларида таҳсил кўраётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бирлашма стипендияси таъсис қилинди. Унинг совриндорлари бўлган ёш ижодкорлар куйлаган тароналар асосида концерт дастурлари тайёрланиб, томошабинларга тақдим этилади.

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Глиэр номидаги ихтисослашган мусиқа академик лицейида билим ва маҳоратини ошираётган истеъодли ўқувчиларнинг бугунги ижодий ютуқларидан фахрланса арзийди. Шу ўринда Дилшод Сатторов, Бобур Муҳаммаджонов, Сардор Турсуновлар ижрочилик маҳоратини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Италияда ўтказилган ёш мусиқачиларнинг XXIII халқаро танловида улар фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритдилар. Ўзбекистонлик ёш скрипкачилар томонидан ижро қилинган мураккаб мусиқа асарлари ҳаммаини қойил қолдирди. Муҳташам зал узра янграган жозибали оҳанглар истеъодлар камолотини яна бир бор намойиш қилди.

Ҳозир академик лицейда 780 нафар ўғил-қиз мусиқа санъатидан сабоқ олмоқда. Улардан 50 нафаридан ортиги республика ва халқаро танловлар голибларидир. Баркамол авлод йили бўндай ижодий ютуқларга янада бой бўлишига шубҳа йўқ.
Ақбар АЛИЕВ



Таълим масканларида

ДАВРАНИ КЕНГРОҚ ОЛИНГ

Ушбу шиор остида Сергели туманидаги 174-мактабда Наврўзга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унинг доирасида «Мен баҳорни соғиндим», «Варрақлар байрами», «Спортчи-чемпионман» мавзуларида турли кўнгилочар дастурлар ташкил этилди.

— Мактабимизда 1215 нафар ўқувчи тахсил олади, — дейди директор ўринбосари Гулчехра Каримова. — Ўқувчи-

ларимизнинг баҳорги таътил кунлари ни сермазмун ва мароқли ўтказиши учун режа асосида иш олиб бордик. Бу-

гунги кунда мактабда 47 та тўғарак ўқувчилар қизиқишини инobatга олган ҳолда фаолият юритмоқда. Малакали

педагоглар ёшларга билим беришда бор тажриба ва маҳоратини ишга солмоқда.

Бола мисоли порлаб турган бир ёғду. Атрофга, оиламизга файз ва кўрк бағишлаб турган порлоқ юлдуз. Фарзандларимизнинг келажагини таъминлаш, уларга етарлича билим ва тарбия бериш ҳар нарсадан муҳим ва устундир. 174-мактаб педагогик жамоаси айнан шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда фаолият юритмоқда.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Даврани кенгроқ олинг» тадбиридан лавҳалар.

Кўрғазмалар

**ТАБИАТ
МАНЗАРАЛАРИ**

Ўзбекистон
Тасвирий санъат
галереясида
«Волков
назидидаги
Фаргона»
кўрғазмаси
очилди.

Александр Волков мамлакатимиз тасвирий санъатининг шаклланишига катта ҳисса қўшган атоқли rassomлардан бири, ажойиб рангтасвирчи, педагог ва шоир бўлган. Айтиш жоизки, А.Волков яратган асарлар томошабин диққатини ўзига жалб этган ҳолда, ҳаяжонга солувчи шоирона мафтункорлик, файласуфона онг билан ишланган бўлиб, чуқур мазмун ва маънога эгаллиги билан ажралиб туради. Ижодкорнинг шеърляти — бу нафис мажозий қиёсларнинг кетма-кетлигидан яралган рангтасвир асари гўё.

Маълумки, Фаргона кўп йиллар мобайнида водийнинг маданий ҳаёти маркази бўлиб келган. Мазкур кўрғазмани ташкил этишдан кўзланган мақсад вилоятда ўз ижодий фаолиятларини олиб борувчи rassomларнинг талаби ва муаммоларига эътиборни қаратиш, водийнинг бадиий ҳаётини акс эттиришдир. Кўрғазмада А.Хамидов, И.Батова, Э.Кувондиқов, Э.Рамазанов, Р.Жамилова, М.Жўрабоев, Н.Абдуллаева сингари мусаввирларнинг 30 та рангтасвир ва 15 та батик асарлари ўрин олган.

Фаргона rassomлари Александр Волковнинг шеърлятига таянган ҳолда водийга бағишланган асарларни яратиб, ажабтовур ранг ва шаклларга эга ўлкани тараннум этишга ҳаракат қилган. Кўрғазмани кузатар экансиз, Фаргона водийсининг ёрқин ва ранг-баранг бўёқларда ишланган бетакрор гўзал табияти, саҳий қалб инсонлари, гулларга бурканган боғларини томоша қилиб, нафосат оламига киргандек бўласиз.

Дилором ИКРОМОВА

Спорт янгилликлари

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган учинчи тур беллашувларида амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоаси муҳим очколардан маҳрум бўлди.

ЧЕМПИОН ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Ҳап шундаки, жорий йилда ҳам турнир жадвалининг энг юқори поғонасини забт этишни мўлжаллаган Сколари шогирдлари «Жар» стадионида Фузорнинг «Шўртан» жамоаси аъзолари билан куч синашиб, кутилмаганда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этишди ва икки очкодан маҳрум бўлишди. Аслида учрашув «Бунёдкор»нинг устунлигида ўтди, меҳмонлар дарвозаси томон кўп марта хавфли ҳужумлар уюштирилди. Бироқ фақат 45-дақиқада Денилсон томонидан меҳмонлар дарвозаси ишғол этилди. Иккинчи бўлимда фузорликлар чемпионга муносиб қаршилик кўрсата олишди, ҳатто Несте-

ров дарвозасига бир неча марта хавфли ҳужумлар уюштирилди. Аҳамиятлиси, ҳужумлардан бири моҳир тўпурар Зайниддин Тожиев томонидан самарали яқунланди. Зайниддиннинг дарвозага боши билан йўлаган кучли ва аниқ зарбасини Нестеров қайтаришга ожизлик қилди. Қолган дақиқаларда томонлар дарвозаларга неча бор ҳужумлар уюштирган бўлсаларда, 1:1

ҳисоби ўзгармай қолди. Зарафшонда «Қизилқум» жамоаси меҳмони бўлган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги «Локомотив» командаси Умрзоқов томонидан киритилган ягона гол эвазига мезбонлар устидан 1:0 ҳисобида зафар қучган бўлса, саварда «Навбахор» жамоасини «Пахтакор» ҳам 1:0 ҳисобида мағлуб этди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Нефтчи» — 2:0, «Динамо» — «Металлург» — 0:0, «Андижон» — «Хоразм» — 0:0, «Олмалик» — «Машъал» — 0:0. Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 4-тур баҳслари 8,9,10,12 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Ақбар Йўлдошев

СУЗИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Яккасарой туманидаги 13-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабидида сузиш ва сув эстафетаси бўйича мусобақа ўтказилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оммавий спортни ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам бу борада маҳ-

сус дастур асосида турли тадбир ва анжуманлар ўтказилмоқда. Жамғарма ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги мусобақа ҳам ёшларни ватанпарварлик, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ҳарбий соҳага бўлган қизиқишини янада ошириш, ёшларни ҳар томонлама жисмонан ва маъ-

нан етук бўлиб вояга етишига қўмаклашишга қаратилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган мусобақада Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти мактабларининг 5–9-синф ўқувчилари иштирок этди. Мусобақада ҳарбий спорт синфи ўқувчиларидан ташқари, пойтахтимиздаги 21, 22-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам қатнашди.

Мурасисиз кечган мусобақада барча иштирокчилар ўз маҳоратини намойиш қилди. Голиб ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Божхона

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ...

Бугунги дорилоним кунимизга етганлар бор, етмаганлар бор. Мустақиллик медаларидан татимай, армонда кетган юртдошларимиз қанча...

Шундай нарсаларни ўйлар экансан, ҳар қандай қонуний фаолият қўллаб-қувватланаётган даврнинг қадрига етмай, эгри йўлни танлаганлар ҳолига ачинасан киши.

«VanK» масъулияти чекланган жамияти қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи ташкилот ҳисобланади, 2008 йилнинг 1 январидан ягона солиқ тўловчи ҳисобланади. Шу мuddат ичида ушбу корхона «Умумқурилиш сервис», «Қурилиш Кафолат», «СМНУ», «Улкан қурилиш сервис» каби яна кўплат ташкилотларга хизмат кўрсатган. Бир қарашда ойдек кўринган ва кундан-кунга гуллаб яшнаётган бу МЧЖнинг асл «юзи» текширув натижасида аён бўлди.

Жамият мансабдор шахслари томонидан Собир Раҳимов тумани ДСИга топширилган ҳисоботларда 436.473.000 сўмлик бажарилган ишлар ва амалга оширилган хизматлар ҳисоботларда кўрсатилмай, солиқ тўлаш объекти қамайтириб кўрсатилган. Бу билан давлат бюджетига 34.917.800 сўм ягона солиқ тўлови тўланмаган.

«Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади», деб шуни айтсалар керак. Жамият мансабдор шахсларнинг солиқ инспекциясига топширган ҳужжатлари ўрганилганда ҳамда қарама-қарши ўтказилган текширув натижасида кор-

хона томонидан 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб жами 103.484.600 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаган ва шунча миқдорда давлат бюджетига зарар келтирилгани аниқланган.

Бу ҳам етмагандек, кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган маблағларга қурилиш материаллари сотиб олиш ўрнига, анча харидоригар ҳисобланган косметик воситалар ва кимёвий моддалар харид қилинган. Бу маҳсулотлар эса бозорда нақд пулга сотилиб, тушган маблағлар тегишли тартибда банк муассасаларида инкассация қилинмаган ҳамда даромад яширилган.

Қилмиш-қидирмиш деганларидек, департамент ходимларининг савий-ҳаракатлари ўлароқ МЧЖнинг ноқонуний фаолияти барҳам топди.

Баҳодир ҲАЙТОВ,
Бош прокуратура хузуридаги солиқ ва валютга оид киноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси тафтишчиси

«01»

**ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА
ВОСИТАЛАРИ САМАРАСИ**

Бу борада биз айрим керакли маслаҳатларни бериб ўтмоқчимиз. Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқилганидан пекчалар мўрси йилга камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гуғурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнгини келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади. Учун текканда ёниб кетадиган нарсаларни пекчалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас.

Лок, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар шулар жумласига киради. Кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишидан ташқари, қўллаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради. Ҳозирги даврда ёнгинга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситалари самарали қўлланилмоқда. Улар орасида ёнгин хавфи ҳақида эздилик билан хабар берувчи воситалар, назорат мослама-

лари муҳим аҳамият касб этади. Қўллаб давлатларда ёнгин хабарлаш воситалари, назорат мосламалари, қабул-назорат асбобларининг замонавий турларини ишлаб чиқарадиган қўллаб корхона, фирма, компаниялар фаолияти йўлга қўйилган.

Республикамизда ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнгин туфайли келадиган моддий йўқотишнинг, энг муҳими одамларнинг ҳаётига, соғлиғига етказиладиган зарарнинг олди олиниши. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини юқори даражага етказиш билан одамларнинг ҳаёти ва кундалик эҳтиёж учун керак бўладиган жиҳозларни муҳофаза қилиш йўлида тинмай изланиб, катта ишлар олиб борилмоқда.

Убайдулла УТАБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори, катта сержант

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3973 нусхада босилади.
Қўғоз бичими А-2

ОЗ = ОЗ ЎРГАНИШ
ДОМО БИЛУВ

**МАШРИҚЗАМИН —
ҲИҚМАТ БҮСТОНИ**
ҲИММАТ ҲАҚИДА

**Гар кишини ҳиммати олий дурур,
Фисқ ила исёндин ул**
холий дурур.

**Бўлмаса ҳар кимни олий ҳиммати,
Ёғилур бошига Ҳақнинг лаънати.**

Эр атанмоқликка кўб
ҳиммат керак,
Ҳам шижоат бирла ҳам
гайрат керак.

**Бўлғусидур одам ҳимматдин киши,
Бўлмағай ҳеч кимни**
хилъатдин киши.

**Гар кишини ҳиммати олий дурур,
Кўнгли ул Ханносдин холий дурур.**

Эй ўғул, тун-кунда
ҳиммат истагил,
Доимо ҳимматда тоат истагил.

**Гар кишини ҳиммати тугён қилур,
Ул киши бисёр хайр-эҳсон қилур.**

**Истагил ҳимматни доим, эй ўғул,
Очилур андин санга жаннатга йўл.**

Эр эмас бу йўлда
ҳимматсиз киши,
Гарчи бўлсун Нуху
Луқмондек иши.

Бўлса гар ҳар кимга
ҳимматдин насиб,
Бор дурур ул касга
жаннатдин насиб.

Иста ҳиммат доим,
эй пиру жувон,
Ҳиммати олий саодатдин нишон.

Эй биродар, иста
ҳимматни давом,
Жон фидо ҳимматга қилғил
субху шом.

УМР ҲИСОБИ ҲАҚИДА
**Эй биродар, умри бепоён ўтар,
Одамий гафлатда саргардон ўтар.**

**Барчаларни афзали одам дурур,
Кимки гофил бўлса**
номахрам бўлур.

**Ўтган ҳар умри тушу яксон эрур,
Кимки беҳуш ўлса ул мардон эрур.**

**Гар кишини умри худ олул эрур,
Оқибат бир ниши захролул эрур.**

Жисмким, ҳар жонга бир
маркаб дурур,
Бур жаҳон ҳар ерга ул
маркаб борур.

**Рух айтур, хайру эҳсон айлагил,
Нафс айтур, фиску исён айлагил.**

**Барча аъзоларга тил ҳоқим дурур,
Нафс аъзоларга бир золим дурур.**

(Давоми бор)
Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва
Мавжуда РАЗЗОҚОВА
тайёрлаган

Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1235